

ISSN: 2542-0348

ИНТЕРНАУКА

НАУЧНЫЙ

ЖУРНАЛ

23(57)

ЧАСТЬ 2



internauka.org

г. Москва

Հոդվածներ հայերենով	40
Փիլիսոփայություն	40
ՎԱՀԱԳՆԻ ՊԱՇՏԱՍՈՒՆՔԸ ՀԱՅՈՑ ՄԵՁ Բարսեղյան Պարգև Աշոտի	40
Օ'zbek tilida maqolalar	43
Biologiya	43
ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ФОЙДАЛАНАДИГАН ЙИРТҚИЧ ЭНТОМОФАГЛАР Аҳмедова Мастура Маҳмудовна	43
Pedagogika	45
SIFATLI MASALALAR MAQSADGA MUVOFIQ RAVISHDA TALABALARNING VOSITACHILIGINI KUCHAYTIRISH, TALABALARNING AXLOQIY FAZILATLARINI RIVOJLANTIRISH VA ORGANIZMNING FUNKTSIONAL IMKONIYATLARINI YAXSHILASHDIR Nosirova Dilnoza Sobirovna	45
Muhandislik, ilm-fan	49
ABSOLLYUT NUQTA IZLOVCHI ZAMONAVIY GEODEZIK ASBOB LEICA AT930/960 Islomov O'tkir Pirmetovich Muxitdinov Djamalitdin Kamalitdinovich Suleymanova Munira Xoliqovna Bekchanova Zahro Ixtiyor qizi Jurayeva Matlubaxon Abdumalik qizi Xikmatullayeva Zarina Farxodovna	49
Filologiya	52
✓ АНДРОНИК ВА УНИНГ ЛОТИНЧА ТАРЖИМАСИ Сафаров Одилжон Мамадиевич	52
Iqtisodiyot	55
КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ОРҚАЛИ ИЖТИМОЙ ХИМОЯНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АХАМИЯТИ Эрназаров Нуриддин Эламонович	55
ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Эрназаров Нуриддин Эламонович	58

FILOLOGIYA

АНДРОНИК ВА УНИНГ ЛОТИНЧА ТАРЖИМАСИ

Сафаров Одилжон Мамадиевич

доцент, филология фанлари номзоди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети,
Ўзбекистон, Тошкент

Ҳомернинг “Одиссея”си юнон Андроник (мил. авв. 284-205) томонидан лотинчага амалга оширилган иш, антик даврдаги энг ёрқин таржималардан биридир. Бироқ таржима илмига оид кўп манбаларда, у ҳақида маълумот ё учрамайди, ёки жуда қисқа берилган ва бу ҳол антик таржималар тарихини **холисона** ва **тўғри** тушуниш имкониятини бермайди. Шу нуқтаи назардан номи юқорида қайд этилган мавзудаги иш **долзарб** аҳамиятга эга.

Мазкур ишдан кўзланган **мақсад** - Андроникнинг таржимасига оид масалаларни жиддий ўрганиш орқали, унинг моҳиятини очиб бериш.

Тегишли манбаларда ҳақиқатан ҳам ушбу таржима ҳақида маълумотлар етарлича эмас. Мас., рус таржимашуноси А. В. Фёдоров, чех таржимашуноси И. Левий, ўзбек олими Ғ. Саломов ёзган китобларда, ушбу таржима ҳақида маълумот учрамайди. Француз таржимашуноси Ж. Мунин эса у ҳақида қуйидагиларни қайд этишдан нарига ўтмаган:

“Бироқ таржима санъати ва ҳунари билан дастлабки мунтазам шуғулланиш Римда кузатиладики, у ерда Ливий Андроникдан, Энний ва Невийдан Плавт ва Теренцгача адабиёт асосан таржимадан ёки ҳеч бўлмаганда адаптациядан шакллантирила бошланган [1].

Ҳар ҳолда антик даврда Римдан олдин, Афина, Спарта, Александрия каби шаҳарларда ҳам таржима бўйича катта ишлар қилинган. Бироқ улар етарлича ўрганилмаган ҳолос. Шунинг учун таржимага оид антик даврдаги ишларнинг бошланиши, Рим салтанатидаги ижодий жараёнлар билан боғлаб талкин қилиниши, аслида унча тўғри эмас.

Немис таржимашуноси Х. Вермеер ҳам, биз мулоҳаза юритаётган таржима ҳақида бирор аниқ фикр билдирилмаган. Жумладан, у Куэндетга (Cuendet 1933, 380) таяниб, - “Рим адабиёти илк даврларданок таржима адабиётидир” [2], - деб ёзади. Шундан кейин эса Леонинг (Leo 1992, 88) - “Ливий Андроник таржима санъатини кашф этган” [3], - деган фикрни қайд этади. Шундан кейин эса, Андроникнинг таржимаси таржима санъатига оид дастлабки иш эканлиги ҳақидаги фикрлардан келиб чиқиб, бу ерда **санъат** сўзи қўллангани, ошириб юборилган бўлиши мумкинлигини қайд этади.

Поляк тарихчиси К. Куманецкий эса Андроник ва унинг таржимаси ҳақида шундай маълумот беради:

“Мил. авв. 272-й. Тарент забт этилиши, нафақат Римнинг сиёсати тарихида, балки унинг адабиёти

тарихида ҳам муҳим воқеа бўлди. Ўшанда Римга кўплаб асирлар каторида Андроник ҳам келади. Ўз хўжайини Ливий Салитарнат томонидан озод этилгач, у Тит Ливий Андроник номини олади. <...> Мил. авв. 240-й. да у илк бор ўзининг лотинча фожеа ва комедия таржималарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этади” [4].

Андроникнинг таржималари туфайли, Римдаги театр томошалари анча ўзгариб, илгарилари **этрусклар** ижро этган сахна кўринишларидан анча фарқ қиладиган бўлган. Айнан унинг ушбу таржимаси туфайли, мил. авв. 240-йил **лотин адабиёти** йили сифатида эътироф этилади.

К. Куманецкий қайд этишича, - “Римда, римлик амалдорлар болалари учун, мактаб ташкил этган Андроник, мумтоз юнон муаллифлари матнларидан фойдаланиб, юнон ва лотин тилларидан дарс берган. Мана шундай амалий эҳтиёжлардан Европа адабиёти тарихидаги илк таржима асари ҳам пайдо бўлган – лотинча “Одиссея”. Тарентлик юнон, Ҳомер эпосини таржима қилишидан олдин, шеърини шакл топиш учун, кўп меҳнат қилишига тўғри келган. Бунда унга, юқорида қайд этилганидек римликларнинг “сатурнча” шеърини тарздаги қадимги қаҳромонлик кўшиқлари қўл келган” [5].

“Одиссея” таржимаси учун, римликларнинг **шеърини услуби** танлангани ҳам, бу таржима уларнинг эстетик дидларига **мослаштирилганидан** далолат беради. Бундан ташқари, Андроник мазкур таржимага Рим маданиятига хос муҳим **воқеаларни** кўшган, кўплаб юнонча **номларни** лотинча ифодалаган.

Бизнингча, бу таржимага катта таъсир қилган ҳоллардан **бири**, у **сенат** қарори асосида амалга оширилгани ва унда Рим мафқурасига оид масалалар ҳам акс эттирилиши кўзда тутилгани, **иккинчиси**, икки тилли луғатлар ва ёрдамчи манбалар деярли бўлмагани, **учинчиси**, ўша пайтдаги таржимавий тафаккур ҳозиргига нисбатан анча пастроқ даражада бўлгани. Шундай бўлса-да, айнан шу таржима Рим салтанатидаги адабий жараённинг шаклланиши ва таракқиётига сезиларли таъсир қилган бўлиши табиий. Жумладан, лотин тили ва адабиёти мутахассиси Л. Винничук бу ҳақда шундай ёзади:

«История литературного языка начинается только в 240 г. до н. э., когда грек Андроник, который попал в Рим в числе военнопленных (после освобождения от рабства он принял имя Тит Ливий Андроник), впервые поставил в Риме трагедию и комедию на латинском языке – это были переработки греческих произведений. Он перевёл также на

латинский язык «Одиссею», положив тем самым начало римской поэзии» [6].

Х. Вермеер эса ўша адабий жараён моҳиятини, тегишли манбаларга таяниб, куйидагича тавсифлайди:

“Die Anerkennung der geistigen Überlegenheit Griechenlands bringt in der Kultur und damit in der (Sprache und) Literatur und damit im Übersetzen die Nachahmung des Griechischen. Durch Nachahmung suchte man das für überlegen Gehaltene zu übernehmen” [7]. (Юнонистон маънавий устунлигини эътироф этиш, маданиятда ва шу билан бирга (тилда ва) адабиётда ҳамда таржимада юнончага тақлидга олиб келган. Тақлид орқали устун ҳисобланганларни ўзлаштиришга ҳаракат қилинган.)

Албатта, тарихий давр таржималари, турли сабабларга кўра, айрим хато ва камчиликлардан холи бўлмаган. Шу нуқтаи назардан Х. Вермеер кайд этган куйидаги мулоҳаза ҳам эътиборга лойик:

“So steht z. B., ein Übersetzungsfehler fast am Anfang aller abendländischen sprachwissenschaftlichen Tradition: die Römer übersetzen griechische Termini in z. T. kuriosem Mißverständnis ins Lateinische – und wir haben diese Übersetzungen bis heute als wissenschaftliche Terminologie losgelöst von aller anfänglichen Bedeutung beibehalten” [8]. (Шундай қилиб, мас., таржима хатоси деярли барча кунботар мамлакатлар тилшунослиги анъаналарида учрайди: римликлар айрим юнонча атамаларни тушунар-тушунмас ҳолда лотинчага таржима қилишган. Биз эса ўша таржималарни илмий терминологиялар сифатида ҳамон уларнинг энг дастлабки маъноларида қўллаб келяпмиз.)

Албатта, кўп асрлик таржима амалиётида, таржима ишларига холисона ва тўғри амалга оширишга, унга оид жумбоқларни ечишга интилишлар кўп бўлган. Бироқ бундай ишларга турлича ёндашиш, ўзига хос анъанага айланганки, Ж. Мунин бу ҳолни бадиий таржималар мисолида шундай ифодалайди:

“Ўрта аср охиридан 18-аср охиригача, биз бугунги кунда бадиий таржима деб атайдиган соҳа билан шуғулланган эркаклар, ўзларини муаллиф ва ёзувчига тенглашган. Ҳеч қандай қонун буни чекламаган. Одат шуни такозо қилган. Ўшанда аслият матни муаллифи бундай ҳоллардан азият чеккан ёки азият чекиши муқаррар бўлган. Ўзга юрт асарини қайта ишлаган таржимон, шу асар бўйича барча эркинликларга эга бўлган. У асардаги шахслар ва воқеаларни қолдириб кетган, ёки улар ўрнига янгиларини киритган, тарихий жиҳатларини ҳам эътиборга бермай, ўз замони ва юрти шароитларига мослаштирган. Бунинг устига у муаллифни ҳам, ўзлаштирган асарини ҳам эслатмаган, аслият тили ҳақида ҳам маълумот бермаган. Юнон ва лотин тилларидаги асарларгина бундан мустасно эди. Улардаги аслиятлар маълуму машҳур бўлган. Шу

боис, Ҳомер, Ҳорац, Плиниус ёки Лукианни таржима қилганини, ҳеч ким яшира олмаган” [9].

Аслида нафақат бадиий таржималар, балки турли соҳаларга оид таржималар ҳам азал-азалдан турлича амалга ошириб келинган. Умуман олганда, улар **аслиятга мос** ва **эркин таржима** сифатида талқин қилинадилар. Лекин аслида **эркин таржиманинг** ўзи ҳам, азал-азалдан шу даражада турлича амалга ошириб келинганки, уларнинг моҳиятини тушуниш осон эмас. Масалан, французлар таржима ишларига қандай ёндашишлари ҳақида, Пушкин (1799-1837) “Милтон ва Шатобрианнинг “Йўқотилган жаннат” таржимаси ҳақида” мақоласида шундай муаълумот берган:

«Долгое время французы пренебрегали словесностью своих соседей. Уверенные в своём превосходстве над всем человечеством, они ценили славных писателей иностранных относительно меры, как отделились они от французских привычек и правил, установленных французскими критиками. В переводных книгах, изданных в прошлом столетии, нельзя прочесть ни одного предисловия, где бы не находилась неизбежная фраза: мы думали угодить публике, а с тем вместе оказать услугу и нашему автору, исключив из его книги места, которые могли бы оскорбить образованный вкус французского читателя» [10].

Шундай бўлса-да, В. А. Жуковский (1783-1852) французларнинг таржима илми ва амалиётига оид ишларига анча мойил бўлган. Ҳатто у француз тилидаги таржимага оид айрим мақолаларни таржима қилиб, ўзи ташкил этган «Вести Европы» журналида чоп эттирган.

Жуковскийнинг ўзи ҳам деярли барча таржималарини **эркин** тарзда амалга оширган. Унинг таржималарида **жойлар** ва **шахслар** номлари, ҳатто асарларнинг **сарлавҳалари** ўзгартирилган ҳоллар кўп учрайди. Ҳомернинг “Илиада”сини эса у аслият тилини билмаган ҳолда, яъни юнончадан немис тилига амалга оширилган **сатрма-сатр** таржимани қайта ишлаш орқали таржима қилганки, умуман олганда, антик давр таржимони Андроник ва Пушкин “Таржима даҳоси” дея таърифлаган Жуковский амалга оширган таржималар **моҳияти** жиҳатидан бир-бирига жуда яқин.

Жуковский таржима ҳақида айрим мулоҳазалар эса, ҳамон кескин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келяпти. Албатта, биз бу ҳақда тўхтаб ўтмоқчи эмасмиз. Бироқ шуни таъкидламоқчимизки, Андроникнинг таржимаси жаҳон миқёсидаги кўп асрлик таржима амалиётига муайян даражада таъсир қилиб келаётганини сира инкор этиб бўлмайди. Демак, унга тегишли масалаларни ўрганишга, тарихий жиҳатдан тўғри ёндашилиши керак. Ана шундагина уни **том маънодаги** таржима сифатида тушуниш ҳам, **санъат** сифатида эътироф этиш ҳам мутлақо нотўғри эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Mounin, G. Die Übersetzer als Schriftsteller // Die Übersetzung: Geschichte, Theorie, Anwendung. М.: Nymphenburger Verlagshandlung, 1967. S. 23-24.
2. Vermeer, H. J. Von Mesopotamien nach Griechenland. Rom und das frühe Christentum bis Hieronymus // Skizzen zu einer Geschichte der Translation. Bd. 1. – Frankfurt / М.: Verlag für interkulturelle Kommunikation, 1992. S. 192.
3. Ebenda, S. 193.
4. Куманецкий К. Литература, театр, религия // История культуры древней Греции и Рима. – Москва: Высшая школа, 1990. – С. 209.
5. Там же, 210 с.
6. Винничук Л. Латинский язык – lingua Latina // Латинский язык. – М.: Высшая школа, 1985. – С. 14.
7. Vermeer, H. J. Von Mesopotamien nach Griechenland. Rom und das frühe Christentum bis Hieronymus // Skizzen zu einer Geschichte der Translation. Bd. 1. – Frankfurt / М.: Verlag für interkulturelle Kommunikation, 1992. S. 189.
8. Ebenda, S. 189.
9. Mounin, G. Die Übersetzer als Schriftsteller // Die Übersetzung: Geschichte, Theorie, Anwendung. М.: Nymphenburger Verlagshandlung, 1967. S. 23-24.
10. См.: Фёдоров А. В. Основные тенденции перевода и спор о переводимости в западноевропейских литературах // Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983. – С. 28.